ИЛК ШАҲАРСОЗЛИК МАДАНИЯТИГА ОИД АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ТАРИХИДАН (Фарғона водийси мисолида)

А.А.Ҳакимов

Мақолада Фарғона водийсида шаҳар маданиятининг пайдо бўлиши ва унинг ривожланиш босқичларини археологик тадқиқотлар натижаларига суянган ҳолда ўрганилиш тарихи ёритиб берилган.

Калит сўзлар: *Фарғона водийси, Чуст маданияти, Далварзин, Ашқолтепа, Хўжамбоғ, Эйлатон.*

В статье освещена история изучения возникновения и этапов развития городской культуры в Ферганской долине, опираясь на результаты археологических исследований.

Ключевые слова: *Ферганская долина, Чустская культура, Далверзин, Ашкалтепа, Ходжамбог, Эйлатон.*

On the bases of archeological discoveries the author tries to describe the sages of development of city building in Fergana valley.

Key words: *Fergana valley, Culture of Chust, Dalvarzin, Ashqaltepa, Kho'djambog', Elaton.*

Фарғона водийси ҳудудида илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари, илк шаҳарлар тарихи ва маданияти муаммолари Ватан тарихшунослигининг муҳим масалаларидан ҳисобланади. Ушбу масалаларни илмий ўрганиш ва таҳлил этиш фақат археологик тадқиқотлар туфайлигина амалга ошишини ҳисобга олиб, Фарғона водийси илк шаҳар маданиятига оид археологик тадқиқотлар тарихига қисқача тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Фарғона водийси археологик ёдгорликларини ўрганиш, водийнинг бронза даври ҳақида маълумот берувчи топилмалар XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларидаёқ маълум бўлган бўлса-да, уларнинг илмий асосда ўрганилиши совет даври тарихшунослигига тўғри келади. Топилмаларни археологик йўналишда махсус ўрганиш ўтган асрнинг 30-йилларидан бошланиб, 1933-1934 йилларда Б.А.Латинин Фарғона водийси моддий маданиятининг тўртта босқичини ажратди [1.134-141].

1939 йилда Катта Фарғона канали қурилиши давридаги археологик тадқиқотлар пайтида Т.Г.Оболдуева бу ердаги бронза даври буюмлари (нақшли сопол парчалари, тош чўқмор, бронза пичоқ)ни аниқлади ва уларни Туркманистондаги (Анов I) моддий маданият буюмлари билан қиёсий ўрганди [2.7-10]. 1946-1948 ва 1950-1952 йилларда А.Н.Бернштам бошчилигидаги Помир-Олой ва Помир-Фарғона археологик экспедициялари Фарғона водийсининг илк деҳқончилик маданияти ҳамда бронза даври дашт маданияти тарихи ва улар ўртасидаги алоқаларга кўпгина аниқликлар киритди.

1950 йилда М.Э.Воронец ва В.И.Спришевскийлар Чуст шаҳри яқинидаги бронза даври ёдгорлигини ўрганишни бошлаб бердилар ва бу ёдгорликда узоқ йиллар давомида тадқиқот ишлари олиб борилди [3.53-57]. 1953-1961 йилларда В.И.Спришевский Чуст ёдгорлигида кенг миқёсли археологик тадқиқотлар олиб бориб [4], водийнинг бронза даври маданиятини таҳлил қилди.

Фарғона водийси илк деҳқончилик маданияти ва қадимги шаҳарлар тарихини ўрганишда Ю.А.Заднепровскийнинг археологик тадқиқотлари алоҳида қимматга эга. Узоқ йиллар давомида Фарғона водийсида археологик тадқиқотлар олиб борган ушбу олим водийга оид барча археологик маълумотларни умумлаштириб, Эйлатон ва Далварзин қазишмаларидан хулоса чиқариб, бу ҳудудлардаги моддий маданиятни учта катта тарихий босқичга – Эйлатон, Марҳамат ва Косон босқичларига ажратди [5]. 1957 йилда эса водийдаги бронза даври ёдгорликларини мил.авв. II-I минг йиллик бошлари билан саналашни таклиф этди [6].

Шунингдек, Ю.А.Заднепровский 1958-1961 йилларда Қорадарё воҳасида сўнгги бронза даврига оид ўтроқ деҳқончилик маданияти ёдгорликларини аниқлади ва уларда тадқиқот ишларини олиб борди [7.18-20].

Ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб Ю.А.Заднепровский, Н.Г.Горбунова, В.И.Спришевский, Б.А.Литвинский ва бошқа олимларнинг тадқиқотлари натижасида Фарғона водийсидаги илк деҳқончилик маданияти ва қадимги шаҳарлар масалаларига кўпгина аниқликлар киритилиб, уларнинг хулосаларидан Ўрта Осиё халқлари қадимги тарихини ёритишда кенг фойдаланила бошланди. Бу даврга келиб Фарғона водийсида бронза даври маданияти мавжуд бўлган-

А.А.Ҳакимов *– АДУ Ўзбекистон тарихи кафедраси ассистенти*

лигини тасдиқловчи кўпгина ёдгорликлар фанга киритилиб, уларнинг топилмалари биринчи маротаба Жанубий Туркманистон ва Эрондаги шу давр топилмалари билан қиёсий ўрганилди. Шу билан биргаликда қадимги Фарғона деҳқончилик маданиятининг хронологик кетма-кетлиги аниқланиб, Ўрта Осиё археологияси тарихида илк бор Чуст қадимги деҳқончилик маданияти алоҳида ажратилди.

XX асрнинг 80-йилларига қадар В.И.Спришевский ва Ю.А.Заднепровскийлар Чуст, Далварзин, Ашқалтепа, Хўжамбоғ каби ёдгорликларда тадқиқот ишларини олиб бордилар. Ушбу тадқиқотлар натижасида Чуст маданиятига оид турар-жойлар ҳамда моддий маданият ёдгорликлари турлари чуқур таҳлил қилиниб, илмий муомалага киритилди [8]. 80-йилларга қадар олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида Далварзинда кенг кўламли, Чустда қайтадан қазишма ишлари, Ўш ва унинг атрофларида катта ҳажмдаги ишлар олиб борилиб [9.25-30], Чуст маданияти хронологияси мил.авв. VIII-VII асрларгача бўлган босқич билан даврланди. Бундан ташқари, Чуст маданиятининг маҳаллий хусусиятлари ҳисобга олиниб, улар гуруҳларга ажратилди. Шунингдек, Чуст маданияти ёдгорликларидан топилган моддий маданият буюмлари асосида Фарғона водийси тарихининг сўнгги бронза даври деҳқончилиги, чорвачилиги ва ҳунармандчилигининг ўзига хос қирралари очиб берилиб, Чуст даври мудофаа иншоотларининг Ўрта Осиё фортификациясидаги роли ва ўрни аниқланди.

1982-1983 йилларда ЎзФА Археология институти ходими Б.Х.Матбобоев ҳам Чуст маданияти ёдгорликларида археологик тадқиқотлар олиб бориб, Чуст ёдгорлигининг шимоли-ғарб томонидаги арк қисми деворлари ўрнини тўла аниқлади ва ёдгорликдаги маданий қатламларни ўрганиш натижасида учта тарихий даврни ажратди, ҳунармандчиликнинг турли соҳалари бўйича янги маълумотларни тўплади [10.241-245].

80-йилларнинг охири ва мустақиллик йилларида Чуст маданияти ёдгорликлари, хусусан, Фарғона водийси давлатчилиги ва илк шаҳарсозлиги масалалари бўйича, асосан, Археология институтининг Б.Х.Матбобоев бошчилигидаги экспедицияси тадқиқот ишлари олиб борди. Ушбу тадқиқотлар натижасида, аввало, Фарғона водийсига хос моддий маданият (Чуст маданияти)нинг айрим томонларига бағишланган умумлашма мақолалар эълон қилиниб, Далварзин ва Чуст ёдгорликлари хронологиясига бирмунча аниқликлар киритилди [11.46-51]. Б.Матбобоев томонидан Фарғона водийсидаги бронза ва илк темир даври деҳқонларининг уй-жойлари чуқур таҳлил этилди, узоқ йиллар давомидаги тадқиқотлар натижасида аниқланган турар-жойлар харобаларини ўрганиш натижалари умумлаштирилди [12.46-60]. Шунингдек, кейинги йилларда Фарғона водийсининг шарқида, яъни Андижон вилоятида Б.Матбобоев бошчилигида археологик тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ҳисобларга кўра, шаҳарда ҳозиргача қарийб 20 мавсумда археологик қазишма-кузатув ишлари олиб борилган. Масалан, айни шу олимнинг тадқиқотлари асосида шаҳарнинг қадимги ва ўрта асрлар давридаги ривожи тарихи, шаҳарнинг тузилиши тўғрисида қимматли материаллар эълон қилинди [13].

Фарғона водийси сўнгги бронза ва илк темир даври ёдгорликларининг ўрганилиши тарихини қисқача таҳлил этиб шундай хулоса чиқариш мумкинки, бугунги кунга қадар олиб борилган археологик тадқиқотлар водийдаги илк шаҳарсозлик маданияти ва улар асосида шакллана бошлаган илк давлатчилик масалаларини илмий тадқиқ этиш учун етарли имкониятлар беради. Шунга қарамасдан, Фарғонадаги ўзига хос бўлган Чуст маданиятининг тарихий санаси тўғрисида ягона хулоса йўқ. Ушбу маданият тадқиқотчилар томонидан мил. авв. XV-VII асрлар тарзида кенг хронологик доира билан белгиланган боис Фарғона водийсида урбанизация жараёнларининг турлича, 2500 йилдан 3200 йилгача бўлган тарихий йўлни босиб ўтганлиги таъкидланади. Фикримизча, кейинги тадқиқотларда водийдаги илк шаҳарсозликнинг шаклланиш шарт-шароитлари, омиллари ва хусусиятлари, уларни Ўрта Осиёдаги урбанизация жараёнлари билан қиёсий ўрганилиши масаласига жиддий илмий аниқликлар киритилиши шубҳасиздир.

Адабиётлар:

1. Латинин Б.А. Работы в районе проектируемой гидростанции на реке Нарыне в Фергане.- ИГА ИМК. Вып 110.- М.,1935.- С.134-141.

2. Оболдуева Т.Г. Отчёт о работе первого отряда археологической экспедиции на строительстве Большого Ферганского канала // ТИИАН УзССР. Т. 4.- Т.,1951. – С.7-10.

3. Воронец.М.Э. Археологические исследования Института истории Академии наук УзССР на территории Ферганы в 1950-1951 // ТМИ УзССР. Вып.2.- Т.,1954.- С.-53-57.

4. Спришевский В.И. Чустское поселение (К истории Ферганы в эпоху бронзы). Автореферат дисс... канд.ист.наук.- Т., 1967.

5. Заднепровский.Ю.А. Древняя Фергана. Автореф. дисс... канд.ист.наук. – Л. 1954.

6. Заднепровский.Ю.А. Дальверзинские селище. // КСИИМК, Вып 69.- М-Л.,1957,

7. Заднепровский. Ю.А. Основные этапы истории Карадарьинского оазиса // КСИА. Вып. 98.- М.,1964.- С 18-20.

8. Заднепровский.Ю.А. Чустская культура Ферганы и памятники раннежелезного века Средней Азии. Автореф дисс... докт.ист.наук.- М., 1978.

9. Заднепровский Ю.А. Ошское поселение бронзового века. // Памятники Киргизии. - Вып.5.- Фрунзе,1982.- С.25-30.

10. Матбабаев Б.Х. Новые исследования на Чустском поселении (Фергана) // Советская археология.-М., 1984.- №4.- С.241-245.

11. Матбабаев Б.Х., Заднепровский Ю.А. Итоги изучения Чустского поселения в Фергане (1950-1982) // ИМКУ, Вып. 19.- Т., 1984.- С.46-51.

12. Матбабаев Б.Х. Исследования жилищ в памятниках Чустской культуры Ферганы (XII-VII вв. до н.э.) // ИМКУ, вып.33.- Т., 2002.- С. 46-60.

13. Матбобоев Б.Х, Машрабов З.З. Андижон тарихи (қадимги даврлардан XX аср бошларигача).- Т.: Sharq, 2014.

2014 йил 28 августда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. Э.Юсупов)